Ушбу сонда:
2 *«Ишонч» фош этади* ҚАШҚАДАРЁДА ҚУРИЛИШЛАР НЕГА СУСТ?
3 TV — ДАСТУРИ
4 ОЛИМ ПОЛВОН ОРЗУСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 28 март, жума № 50 (1475)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Истиқлол шарофати*

**Қовчин қишлоғи қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашган. Мағриб ва Машриққа қатнаган савдо карвонлари ана шу гавжум даҳада тўхтаб ўтишган.**

**Бу тарихи олис мозийга бориб тақаладиган кўркам манзилгоҳда бир сўзли, мард одамлар, касбини жон-дилдан улуғлайдиган деҳқону чорвадорлар яшайдилар.**

## ЧЎЛДАГИ КЎРКАМ ШАҲАРЧА

Хўжаликка чорак аср раислик қилган Яхши Омоновнинг номини қашқадарёликлар ҳамон хотирлайдилар. Сўзидан қайтмайдиган, бутун куч-ғайратини халқ фаровонлиги йўлида бағишлаган бу ажойиб инсондан кўп эзгу амаллар қолди. Эл-юрт ўртасида обру-эътибор орттирган Панжи Қурбонов, Тошпўлат Тўраев, Сероб Хўжақуловалар хўжалик ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олиши учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Эндиликда замон ўзгарди, ҳаёт янгиланаяпти. Бозор иқтисодиётининг қонуниятлари раҳбарлардан чуқур билим ва тажриба, иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини дилдан ҳис қилишни тақозо этмоқда.

Мана бир неча йилдирки, Жўра Турсунов Қарши туманидаги Яхши Омонов номли кооператив ширкат хўжалигини моҳирлик билан бошқариб келмоқда.

Мустақиллик йилларида хўжаликнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти мустаҳкамланди. Одамларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланди. Деҳқон рўзғорига барака кирди.

Қовчиннинг бугунги қиёфаси чўлдаги кўркам шаҳарчани эслатади. Кенг ва равон асфалт йўлнинг икки томонида иккита замонавий деҳқон ва буюм бозори, турнақатор савдо тармоқлари, ошхона ва чойхоналар, гўшт ва сабзавот дўконлари ва бошқа маданий-маиший объектлар қад ростлаган. Мактаблар, болалар боғчалари, касалхона, қишлоқ врачлик пункти, почта-алоқа бўлими ишлаб турибди.

— Деҳқонда ерга эгалик ҳисси ортганлиги, пайчилар ўртасида интизом ва уюшқоқлик, соғлом муҳит қарор топганлиги муваффақиятни таъминламоқда, - дейди хўжалик раиси. — Пудрат усулининг афзалликларини ҳар бир киши амалда кўриб ҳис этмоқда.

Пахтачилик иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллайди. Бултур белгиланганидан 1130 тонна кўп хирмон уюлди. Хомашё сифати яхшиланганлиги туфайли ҳамма тармоқлардан 1 миллиард 442 миллион сўм даромад олинди. Ялпи даромаднинг 64 фоизи пахтачилик ҳиссасига тўғри келди.

Жамоада ишлаётганларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Чунки, мавжуд 70 дан ортиқ оилавий пудратчиларнинг ҳаммаси шартнома режаларини ошириб уддалади. Биргина Ф.Туроповнинг оилавий пудратида 10 гектар майдоннинг ҳар гектарида 45 центнердан пахта етиштирилди.

Хўжалик бўйича режадагига нисбатан 521 тонна «оқ олтин» кўп етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 36,8 центнерга етказилди. Пахтачиликнинг ўзидан ўтган йилга қараганда 329 миллион сўм кўп соф фойда олинди. Рентабиллик даражаси 55,3 фоизни ташкил этди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ишнинг кўзини билган ютади. Гектарига 349 минг сарфланиб, 541 минг сўм даромад олинди. Даромаднинг 35 фоизи ширкат аъзоларига дивидент сифатида тўланади.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Суғориладиган майдонларнинг 49 фоизида пахта, 38 фоизида ғалла ва бошқа экинлар ўстирилади. Ғаллакорлар бултур 418 миллион сўм даромад олишди. Ҳосилдорлик 45,3 центнерга кўтарилди.

**И.ИСОМУДДИНОВ.**

**ЕТТБ АНЖУМАНИ:**

## МАТБУОТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

**Май ойи бошида пойтахтимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Мазкур мажлис ҳамда у билан баробар ўтадиган Бизнес-форум туфайли ўша кунлари Тошкент жаҳоннинг молиявий марказига айланади. Зеро, пойтахтимизга олтмишдан зиёд мамлакатдан ҳукумат аъзолари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, молиявий муассасалар, йирик трансмиллий компания ва корпорациялар вакиллари, таниқли сиёсатчилар, ишбилармонлар ва сармоядорлар, жамоат арбоблари ташриф буюради.**

Мамлакатимизда бу йирик анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жамоатчилигимиз тайёргарлик ишлари билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб боряпти.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ушбу анжуманга ҳозирлик жараёни ва уни ёритишда журналистлар учун кенг қулайликлар яратиб бериш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги оммавий ахборот воситалари вакилларига ахборот таъминоти борасида ёрдам бериш, тадбирлар тезкор ва муносиб ёритилишини таъминлаш мақсадида Тошкентда ЕТТБ анжуманининг доимий ишловчи Матбуот маркази ташкил этилди. 27 март куни унинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Марказ оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида қўлланиладиган барча техника воситалари билан таъминланган. Бу ерда журналистлар ўзига керакли ахборотни топиши, тайёрлаши, зарур ҳолда қўшимча маълумот олиши, ҳордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё. ЕТТБ анжумани ўтиб бўлгунга қадар, мунтазам равишда Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, банк ва бизнес тизимларида фаолият юритувчи масъул шахслар иштирокида матбуот анжумани ўтказиб борилади. Унинг журналистларга яхши таниш бўлган Миллий матбуот маркази биносида жойлашгани яна бир қулайликдир.

Тақдимот маросимига маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари йиғилди. Журналистлар сони одатдаги анжуманлардагидан кўп эди. Бунинг сабаби аён: ЕТТБнинг Тошкент анжуманига қизиқиш Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам катта. Шу муносабат билан, матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев Ўзбекистон демократия тамойилларини ҳурмат қиладиган очиқ мамлакат эканлигини таъкидлаб, журналистлар ўзини қизиқтирган барча саволлар билан шу ерга мурожаат қилиши мумкинлигини айтди.

Матбуот марказининг илк меҳмони эса тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раисининг ўринбосари, мамлакатимиз томонидан ЕТТБнинг бошқарувчиси -Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов бўлди. У учрашув аввалидаёқ Тошкент анжумани нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақи ҳисобидан табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилсин.

2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг суммаси меҳнат ҳақи фондига қўшилиши ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) тўланадиган муддатларда тўланиши белгилаб қўйилсин.

3. Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ушбу Фармонга мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаш манбаи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 6-банди ва 3-иловаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3079-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши ва 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 март

## МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ДОРИ-ДАРМОН

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази аҳолининг дори воситаларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, ўзимизда тайёрланган сифатли, арзон дори-дармонлар билан таъминлашни кучайтириш борасида «Ўзфармсаноат» давлат концерни билан кенг қамровли инновация дастурини амалга оширмоқда.

- Дастур доирасида маҳаллий хомашёдан турли дори-дармон ишлаб чиқариш тизими тобора шаклланмоқда, - деди марказнинг инновация лойиҳалари бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи Одилхўжа Парпиев ЎзА мухбирига. - Мазкур давлат концернида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи 11 фармакологик гуруҳга бўлинган 50 дан ортиқ дори воситаси дорихоналарга етказилди.

Баҳор байрами Наврўз муносабати билан Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма марказий қўмитасида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирга уюшмада ишлаб ҳозирда қарилик гаштини сураётган нафақахўрлар таклиф этилди. Уларга бир пиёла чой баҳонасида совғалар топширилди.

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## ЖАҲОН ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИ ЖЕНЕВАДА УЧРАШДИ

Швейцариянинг Женева шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа комиссияси томонидан ташкил этилган жаҳон тадбиркор аёлларининг иккинчи форуми ўтказилди.

- Форумда жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан уч юзга яқин тадбиркор аёл иштирок этди, - деди Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулчеҳра Ҳамидова ЎзА мухбирига. - Унда, асосан, халқаро банклар ҳақида кенг маълумот берилиб, кредитларни жалб этиш йўллари ҳамда тадбиркорларнинг Интернет орқали фаолият юритишига оид масалалар муҳокама этилди.

Беш кун давом этган форумда дунёнинг кўзга кўринган етакчи банкларининг тақдимоти ўтказилди. Унда тадбиркорларга кўрсатилиши мумкин бўлган барча хизматлар ва кўмаклар юзасидан батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, тадбирда иштирок этган барча давлатларнинг тадбиркор аёллари ўз фаолиятлари ҳақида сўзлаб берди. Ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

Анжуманда ўзбекистонлик тадбиркор аёлларнинг ўзлари яратган нафис ва ноёб миллий либос ва буюмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Форумда Бухоро зардўзлик фабрикаси директори Маҳфуза Салимова «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» деб топилди.

**(ЎзА).**

**Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилгач, Навоий тумани аҳолиси Маликработ қўрғонига кўчиб ўтган эди. Мана, икки йилдирки, Навоий-Бухоро магистрал йўлининг чап томонида туман маркази бунёд этилмоқда.**

## МАЛИКРАБОТ — ОБОД

Наврўз кунлари янги марказда ўнта коттеж-уй фойдаланишга топширилди. Якка тартибдаги лойиҳа асосида қурилган ҳар бир коттеж ўзбекона тарзда қурилган. Уйлар газ ва тоза ичимлик сув билан таъминланган. Уни «Наврўз» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Қурилиш-монтаж ишлари учун Навоий вилоят ҳокимлиги томонидан қарийб тўрт юз миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Шунингдек, бу ерда туман ҳокимлиги маъмурий биноси, корхона ва ташкилотларнинг идоралари бинолари ҳам қад ростламоқда. Қурувчилар бу йил ўн битта тураржой ҳамда ҳокимлик биноси қурилишини ниҳоясига етказиш ниятида.

## ҚЎШҚУЛОҚ НИҲОЛЛАР

Тошлоқ туманининг Холматжон Марозиқов номидаги ширкат хўжалиги далаларида дастлабки ғўза ниҳоллари бўй кўрсатди.

Жорий йилда 470 гектар ерда пахта етиштиришни ният қилган миришкорлар ҳозиргача 200 гектардан ортиқ майдонга уруғ қадаб бўлди.

Уруғ пуштага ҳамда плёнка остига экилди. Ҳар икки усул туман ер шароити учун маъқул. Пуштада ҳосил етиштиришнинг ўзига хос афзаллиги шундаки, уруғ юмшоқ тупроқ қатламига қадалади, қуёш ҳароратини яхши олади, қатқалоқ бўлмайди, намликни узоқ ушлаб туради.

- Ана шу жиҳатларини инобатга олиб умумий пахта майдонларимизнинг 360 гектарида пуштада ҳосил етиштирамиз,-дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Раҳматжон Қўшоқов. -Қолаверса, туман иқлим ва ер шароитига мос, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлган «АН-512» пахта навидан 35-40 центнердан ҳосил олиш мумкин.

**(ЎзА).**





**Ҳидоятилло Аҳмедов – Асака туман агросаноат мажмуи ходимлари тармоқ қўмитаси раиси. У етакчилик қилаётган қўмита вилоятда энг жанговар касаба уюшмаларидан биридир. Тармоқда 24183 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Ҳайвонот касалликларига қарши кураш станцияси жамоаси ёзма мурожаат қилиб, касаба уюшма бошланғич ташкилоти тузиш истагини билдирди.**

## АДОЛАТЛИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Шунинг ўзи қўмитанинг туманда эътибори ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Қўмитада касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Масалан, 2-пахта тозалаш корхонасида иш берувчи айби билан бош ҳисобчи Султоной Мирзажонова ва яна 6 нафар ходим ноқонуний ишдан бўшатилганлиги ҳақида тармоқ қўмитаси хабар топди. Ҳуқуқшунос бошлиқ комиссия корхонадаги аҳвол билан танишиб, маъмурият томонидан Меҳнат Кодекси талаблари қўпол равишда бузилганлигини аниқлашди ва буйруқ бекор қилинди. Иш берувчи ҳақиқатни тан олмади. Тармоқ қўмитаси қатъий йўл тутди. Ишчилар номидан фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Қўмита судда маъмуриятнинг буйруғини асоссизлигини далил-исботлар билан таҳлил қилиб, қонун устуворлигига эришди. Натижада иш берувчи учун жарима ҳам тўланди.

...Яна бир воқеа раиснинг ёдида. У ўз хонасида ишлаб ўтирарди. Рўпарасидаги телефонлардан бири устма-уст жиринглади. «Катталар»дан бири қўнғироқ қилаётганлигини раиснинг юраги сезди.

«Навбаҳор» ширкат хўжалигидан телефон қилаётган суҳбатдош касабақўм раиси Абдурашид Йўлбарсов билан чиқиша олмаётганлиги ҳақида гапирди.

Раис гапини қисқа қилиб, касабақўм раисини ишдан озод қилиш унинг ваколатига кирмаслигини, бу ширкат касаба уюшма аъзоларининг умумий йиғилишида ҳал этилишини айтади.

*Тармоқ касаба уюшмаларида*

Тармоқда ҳафтанинг ҳар жума куни касаба уюшма ташкилотлари етакчилари куни, деб эълон қилинган. Шу куни раислар «Давра столи» атрофига йиғиладилар. Меҳнат муҳофазаси, иш жойларини аттестация қилиш, жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинади.

«Энг яхши касаба уюшма хонаси» кўрик-танловлари, айниқса, яхши натижа беряпти. Қўмитада спорт-соғломлаштириш ишлари дастур бўйича олиб борилмоқда. Тумандаги барча ширкат хўжаликларида футбол ўйингоҳлари, кураш майдонлари, волейбол майдончаларидан фойдаланиляпти. 2002 йил Навоий шаҳрида ўтказилган қишлоқ спортчилари беллашувида туман тармоқ футболчилари команда ҳисобида III ўринни эгалладилар. Шоҳмотчилар мусобақасида эса асакалик спортчилар вилоятда энг олдинги ўринга чиқдилар.

Тармоқ қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблағ билан таъминламоқда. «Пахтабанк»нинг 3 миллион сўмлик акциясини харид қилиш ҳисобига йилига 25 фоиз дивидент олинмоқда. Бу ўрта ҳисобда салкам бир миллион сўм демакдир. Шу кунларда қўмитанинг банкдаги ҳисоб рақамида 3,6 миллион сўмга яқин айланма маблағи мавжуд.

**Р.СОБИРОВ.**

## Иқтисодий ислоҳот: имконият ва натижа

# ШАКЛ ЎЗГАРДИ

### моҳият, маъно-мазмун ҳам шунга яраша бўлсин

**Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 феврал куни бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислоҳотларга, ҳаёт талабларига амал қилиш борасида энг оғир соҳа бўлиб қолаётганлиги таъкидланган. Бунинг асосий сабаблари, ечимини кутаётган муаммолар давлатимиз раҳбарининг анжумандаги маърузасида аниқ равшан ифодасини топган.**

Таъкидланганидек, асосий камчиликлардан бири шуки, кўпгина ҳолларда шакл ўзгариб, моҳият, маъно-мазмун эскича қолмоқда. Исботи шуки, барча вилоят ва туманларда жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилган. Бироқ, кузатишлар ва эришилаётган натижалар таҳлили кўпгина жойларда ушбу янги ширкатлар эски жамоа хўжаликларидан деярли фарқ қилмаётганлигини кўрсатмоқда. Уларда пайчилик асосига қурилган бутунлай янги шакл, мулкка, ерга янгича муносабат сезилмаяпти.

Учқўрғон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Баҳодир Охунов билан шу хусусида фикрлашдик. Мазкур туман Наманган вилоятининг йирик, кенг тармоқли туманларидан биридир. Бу ерда ҳозирда 19 та ширкат, 382 фермер, 100 дан ортиқ деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Учқўрғонда ўтган йили пахта, пилла, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бурноғи йилга нисбатан ўсишга эришилди. Бироқ, ҳокимнинг таъкидлашича, ютуқлар, соф даромад бундан-да кўп бўлиши мумкин эди. Аммо баъзи хўжаликларнинг раҳбару мутахассислари эскича фикрлаш, ҳадиксираш каби иллатлардан нечундир халос бўла олмаяптилар. Шу ўринда ҳаётий мисол келтирсак. «Кўгай» ширкат хўжалигида ислоҳотлар чала-ярим амалга оширилиб, ўтган йили пул даромади имконият даражасида бўлмади. Асосий тармоқларда сарф-ҳаражат кескин ортиб, рентабеллик даражаси 5,5 фоизга тушиб қолди.

Ер шароити деярли бир бўлган «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида эса иқтисодиётни юксалтириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига барча соҳа жадал ривожлантириляпти. Натижада бир ишловчининг йиллик ўртача иш ҳақи 164 минг сўмни ташкил этгани ҳолда «Кўгай» хўжалигида бу кўрсаткич 71 минг сўмга тўғри келди. Шунингдек, туман бўйича гектарига 316 литр ёқилғи сарфланган бир вақтда «Кўгай»да 360 литр ёқилғи сарфланган. Энг муҳими, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришмоқда. Бултур давлатга топширилган оқ олтиннинг 95 фоизи биринчи навга сотилди. «Кўгай» хўжалигида эса бу кўрсаткич 75 фоизга тўғри келди. Шунинг ўзи кўп нарсани англатиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ҳужжатларини дастуруламал деб билган учқўрғонликлар 2003 йилда уюшқоқлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Иқтисодиётни юксалтиришда кичик ва ўрта бизнес алоҳида ўрин тутиши инобатга олиниб, аниқ тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда. Эндиликда, бу ерда жами 537 та юридик шахс мақомига эга бўлган 1250 дан ортиқ тадбиркор фаолият юритмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 111 нафар омилкор кишига катта миқдорда кредит ажратилди. Тадбиркорларга имтиёзли равишда электр-энергияси улушлари ажратилганлиги ҳам кўпчиликни қувонтирди.

Тарихий ҳужжатларни ўқиб ўрганиш жараёнида хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма етакчилари ва фаоллари ишсизлик муаммосини ҳал этишга эътиборни қаратишмоқда. Ҳамжиҳатликда амалга оширилган саъй-ҳаракат туфайли сўнгги ойларда ишсизлик мақомини олган 995 фуқародан 165 нафари қайта касбга ўқитилди. 468 киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 368 нафар фуқаро ишсизлик нафақасига эга бўлди. 2774 та янги иш ўринлари яратилганлиги қишлоқ ёшлари, аёлларни муқим иш билан таъминлашда алоҳида рол ўйнади.

Ҳозирги кунда қурилишни ислоҳ қилиш учун мустаҳкам қонунчилик базаси ва зарур меъёрий асослар яратилган. Бироқ, баъзи ерларда амалда эскича ишлаш давом эттирилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти бўлган пудрат ишлари бозори яратилмаганлиги анжуманда ўринли танқид қилинганлигини учқўрғонлик бунёдкорлар очиқ эътироф этишди. Асосий касал шундаки, буюртмачи юқоридан кўрсатилган қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномаси тузишга мажбур бўлмоқда. Бу демак, кимнинг нима қуриши-ю, қанчага қуриши – ҳаммаси олдиндан маълум.

Туман ҳокимлиги бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча тадбирларни ишга солмоқда. Капитал қурилиш борасида сўнгги йилларда дастлабки хайрли қадамлар қўйилаяпти. Ўтган йили аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобига 40 минг квадрат метр турар-жой бинолари қурилди. Барпо этилган 571 та уйда 628 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Инвестиция дастурига кўра туманда бир йил ичида кўзлангандан кўп – 10 километр ичимлик суви, 42,6 километр табиий газ тармоқлари тортилиб фойдаланишга топширилди. Бироқ ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Масаланинг қай даражада ҳал этилиши кадрлар салоҳияти, ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода қатор иқтидорли мутахассислар хорижий мамлакатларда бўлиб, бой тажрибаларни ўрганиб қайтишгани эндиликда асқотмоқда. Зеро, илғор технология, ўзаро талабчанлик, мунтазам изланиш туфайлигина масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли уддасидан чиқиш мумкин.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МАҲАЛЛАМ КЎРКИ – МЕНИНГ НИГОҲИМДА

*Тадбир*

Янгиланиш ва уйғониш айёми Наврўз шукуҳи ҳукм сураётган ушбу кунларда, турли байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятида қизиқиш билан қарши олинди. «Маҳаллам кўрки - менинг нигоҳимда» деб номланган расм кўрик - танловида корхона ишчи - хизматчилари иштирок этди.

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан корхона ишчи-хизматчилари руҳида маънавият, Ватанга бўлган муҳаббат, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, тарихимиз, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ҳиссиётларини ўстириш танловнинг бош мақсади эди. Танловга қўйилган кўргазмани корхона ишчи - ходимлари мириқиб томоша қилдилар ва ўз фикрларини билдирдилар. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси




томонидан ўтказилган мазкур кўрикда ҳайъат аъзолари геолог А. Охуновни биринчи ўринга лойиқ топди. Муҳандис Л. Раҳматулина ва смена бригадири А. Ҳусанхонов иккинчи ўринни эгаллади. Корхона электриги А. Фотихов ва смена устаси А. Яров учинчи бўлди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Муяссар ВОҲИДОВА,**
**«Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ташкилий ишлар бўлими нозири.**

# АЛЛО, БУ АМЕРИКАМИ?

Олот туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигида уч юз нуқтали янги телефон тармоғи ишга тушди. «Бухоротелеком»нинг Олот туман боғланмаси шу мақсадда ўн миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарди, зарур ускуна-жиҳозлар ўрнатилди.

Энди қишлоқ аҳли дунёнинг исталган бурчаги билан бемалол боғланиш имкониятига эга бўлди. **(ЎзА).**

## КОЛЛЕЖ ДАРОМАДИ ЧАККИМАС

Қамаши педагогика-иқтисодиёт коллежининг тикув, трикотаж буюмлари ва гилам тўқиш цехида ўқувчилар ўттиз турга яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачи ташкилотлар ва аҳолига етказиб беряпти.

Коллеж ўқувчилари дарс жараёнида олган назарий билимларини шу ернинг ўзида, ўқув цехларида амалиётда қўллаб, касб сир-асрорларини пухта эгалламоқда. Цехлар Германиянинг «Пфафф-Зингер» ҳамда бошқа хорижий компанияларнинг тикув машиналари ва тўқув дастгоҳлари билан жиҳозлангани боис харидоргир, ички бозор талабига мос маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ўқувчилар бажарган ишига қараб яхшигина маош ҳам оляпти.

Ёш тадбиркорлар ўтган йили уч ярим миллион сўмлик гилам, олти ярим миллион сўмлик тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Олинган 2,5 миллион сўмлик соф фойда коллеж фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё харид қилишга сарфланди.

Бу ерда тайёрланаётган чойшаблар жамламаси, спорт кийимлари, мактаб формалари, болалар кўйлаклари, кураш яктакларига талаб ортиб бормоқда.

## БУТУН ҚИШЛОҚ ГАЗЛИ БЎЛДИ

Нурота туманидаги Саид Эшон қишлоғига табиий газ келиши муносабати билан ўтказилган тантана Наврўз байрами қувончларига уланиб кетди. Қишлоққа етти километрли газ қувури ётқизилди. Бу ишга Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлик қилди. Монтаж ишлари учун ўн беш миллион сўмлик маблағ сарфланди. Газлаштириш ишларини Навоийдаги 2-кўчма механизациялашган жамлама қурувчилари бажарди.

Туманда газлаштириш давом этмоқда. Мустақиллик байрамигача Янгибино, Янгиобод, Хўжаобод, Чўпонобод ва Азизобод қишлоқлари ҳам газлаштирилади.

**(ЎзА).**

## 2003 йил – Обод маҳалла йили

# ИРМОҚЛАР БИРЛАШИБ ДАРЁ БЎЛАДИ

**Нарпай туманидаги энг гўзал масканлардан бири «Турон» маҳалласидир. Унинг ҳудудидаги тўртта қишлоқда қарийиб 3 минг аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ кўчалари обод ва файзли.**

– Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли маҳалланинг мавқейи йил сайин ошиб бораяпти. 2003 йил – Обод маҳалла йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги поғонага кўтарди, – дейди маҳалла оқсоқоли Худойназар Юнусов.— Шу боис бу йилги тадбирларга алоҳида эътибор бердик. Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргандик. Аҳоли билан учрашувга ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларини, тадбиркорларни таклиф қилдик.

Натижада қисқа муддат ичида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. Аввало, дунёдан ўтган ҳамқишлоқлар хотирасига эҳтиром сифатида қишлоқ қабристони тартибга келтирилди. Маросим қатнашчиларига қулай бўлсин деб у ерда бир хона ва айвондан иборат бино тикланди. Амбулатория биноси тубдан таъмирланди. «Маркент» ва «Чингизкент» қишлоқлари ўртасидаги 3 километр йўлга тош ётқизилди. Янги артезан қудуғи ишга туширилиш арафасида. Агарда бу юмуш амалга оширилса, «Чингизкент» қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминланиши янада яхшиланади. Шунингдек, маҳалла ҳудудида 6200 туп терак, 2170 туп мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Буларнинг ҳаммаси элнинг азалий ва ажойиб удуми – ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Маҳалла марказида тиббиёт маскани, савдо ва маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Мактаб, боғча, дорихона, кутубхона мавжуд. Стадион ва спорт майдончаси аҳоли ихтиёрида. Ҳунармандчилик устахонаси, блок цехи фаолият кўрсатяпти.

Маҳалла фаоллари ўз-ўзини бошқаришни жуда тўғри ташкил этган, десак муболаға бўлмайди. Масалан, маҳалла паспортида шу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир киши ҳақида маълумот мавжуд. Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ногиронлар, ишсизлар, жазо муддатини ўтаб келганларнинг айни вақтдаги аҳволи, нима билан шуғулланаётгани ҳам фаолларга аён. Ишсиз кишилар, мактабларни битирган ёшлар маҳалла идорасига келиб, яқин атрофдаги корхоналардаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олишлари мумкин.

– Нимаики қилсак ўзимиз учун қиламиз, – дея суҳбатни давом эттирди фаоллардан бири Зиёд Нурмаматов, – Меҳнат қилган киши хор бўлмайди. Кўпроқ маҳсулот етиштириш билан ўз рўзғоримиз ҳам тўкин бўлади, юрт фаровонлигига ҳам ҳисса қўшамиз. Қишлоқдошларимиз буни яхши билишади. Шунинг учун шахсий томорқалардан йилига 3 мартагача ҳосил олишяпти. Ҳар бир хонадонда қорамол, қўй-эчки, парранда бор.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ғамхўрлик маҳалла фаолиятининг асосини ташкил қилади. Бу тадбирга ҳудуддаги тадбиркорлар ёрдам беришмоқда. Бундан ташқари уларга маҳалланинг ўз жамғармаси ҳисобидан 78 минг сўм ёрдам берилди.

Фикрлаш тарзини ўзгартириш, маънавиятни юксалтириш бугунги даврнинг асосий талаби. Бунда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида, чунки оилада, болалар тарбияси, тўй-маъракаларни ўтказишда хотин-қизларнинг роли катта. Мисол учун улар томонидан қишлоқларда тўй-маросимларнинг намунавий шаклини жорий қилиш борасида кўплаб таклифлар айтилди.

Маҳалла педагог тарбиячиси Й.Остонов раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Маданий-маърифий, тарбиявий, спорт тадбирлари бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра спорт мусобақалари ўтказиляпти. Маҳалла футбол жамоаси маҳаллалараро мусобақада ғолиблар сафидан ўрин олди. Ғиёс Ёқубов, Қўчқор Узоқов, Дилшод Ёқубов сингари йигитлар кураш бўйича республика мусобақаларида ҳам қатнашишди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## АВТООЙНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Италиянинг Techint SPA компанияси Фарғонадаги "Автоойна" очиқ акциадорлик жамиятида 27,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги автомобил ойналари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширди.

Лойиҳа 4 мм қалинликдаги олд ойналар - триплекс, шунингдек ён ва орқа автомобил ойналарни ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Лойиҳа бўйича корхона йилига 200 минг дона ойналар тўпламини ишлаб чиқаради.

2003 йилнинг охиригача ишлаб чиқариш ҳажми 65,3 минг донани ташкил этади. 2005 йилга бориб эса бу кўрсаткич 82,4 мингтага етказилиши лозим.

Лойиҳа Италиянинг Banca Nazionale del Lavoro банкининг 19,3 миллион доллар кредити ҳисобига амалга оширилди. Автомобил ойналари хомашёси Қувасойдаги "Кварц" ОАЖ томонидан тайёрланади.

Айтиш керакки, ўтган йилнинг август ойида Techint SPA "Кварц" ОАЖ негизида 20,25 миллион доллар қийматидаги қурилиш ойналари цехини замонавийлаштирган эди. Ушбу лойиҳа ҳам Италиянинг Banca Nazionale del Lavoro банкининг 15,2 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" давлат акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

"Автоойна" маҳсулотларининг асосий қисми "ЎзДЭУавто" корхонасига етказиб берилади. Маҳсулотнинг бир қисми Россия ва МДХ мамлакатларига экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда. Шу кунгача "Ўздэуавто" учун ойналар Ҳиндистон ва Жанубий Кореядан келтириларди.

Маълумки, 2005 йилгача автомобил ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга 89,93 миллион доллар инвестициялар сарфланади. Хусусан, Американинг Exide AB group Ltd компанияси Жиззахда жами қиймати 78,18 миллион долларлик аккумуллятор заводини фойдаланишга топширади. Ушбу лойиҳа "ЎзДЭУавто" учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш даражасини 50 фоизга кўтаради.

**Туркистон-пресс**






«Самарқанд – Прага» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган салқин ичимликлар барчага манзур бўлмоқда. Боиси, цехлар замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, хорижий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда бу ерда 85 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмни ташкил этади. Уларнинг унумли ишлаб, дам олишлари учун маъмурият томонидан барча шарт-шароитлар яратилган.

**Суратларда: корхон фаолиятидан лавҳалар.**
**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар.**

## «Ишонч» фош этади

# ҚАШҚАДАРЁДА ҚУРИЛИШЛАР НЕГА СУСТ?

**Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида капитал қурилишда ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг энг заиф нуқталаридан бўлмиш бу тизимдаги муаммоларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.**

Мамлакатимизнинг жанубий минтақасида жойлашган Қашқадарё улкан қурилиш майдонига айланган. Шўртан газ кимё мажмуи, Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи», ЛТД қўшма корхонаси каби йирик иншоотлар, ўнлаб замонавий касб-ҳунар коллежлари қўли гул бинокорлар фидойи меҳнатининг самарасидир.

Бироқ, кейинги йилларда қурилиш ташкилотларининг фаолияти анча сусайиб кетди. Тармоқда бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти ҳисобланган рақобат шароити шакллантирилмаган. Қурилиш ишларига буюртма бериш юзасидан танлов (тендер) савдоси аксарият ҳолларда расмиятчилик учун уюштирилаяпти.

Вилоятдаги қурилиш ташкилотлари ҳамон эскичасига ишлашмоқда. Масалан, бултур 41 та ташкилот тендер савдолари орқали пудратчиларга берилган. Аслида улардан тўрттасида нархлар ошиб кетиб, иншоотлар вақтида фойдаланишга топширилмай қолди.

Лойиҳа ҳужжатлари изчиллик билан охирига етказилмагани, тендер савдоси шошма-шошарлик билан ўтказилгани, айрим ҳолларда қурилиш учун ажратилган маблағлардан ноқонуний фойдаланилганлиги ишга салбий таъсир кўрсатди.

Вилоят фаоллар йиғилишида қурилишдаги қолоқлик сабаблари очиб ташланди. Ҳақиқатдан ҳам тармоқдаги камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Ғузор туманидаги иқтисодиёт коллежини таъмирлаш «Матлуботсавдо» акционерлик компаниясининг Шаҳрисабздаги 2-махсус механизациялашган кўчма жамланмасига топширилган. Ҳолбуки, пудратчи ташкилот бундан илгари бирорта йирик иншоот қурмаганлигини ҳеч ким ҳисобга олмаган. Натижада кўп миқдорда қўшиб ёзиш ҳолларига йўл қўйилган, материаллар талон-тарож қилинган.

Тендер ўтказиш комиссияси билан қурилиш ташкилоти 580,6 миллион сўмга шартнома тузган. Амалдаги ишга нисбатан 123,1 миллион сўм ортиқча маблағ тўланган. Ажратилган маблағлардан фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида 113,4 миллион сўмлик камомадга йўл қўйилган. Бажарилган қурилиш-таъмирлаш юмушлари қайта текширишдан ўтказилганда 41,5 миллион сўмлик иш қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Яқингинада ҳар бир шаҳар ва туманда ёғоч кесиш, дурадгорлик, оҳак пишириш, токарлик сингари ёрдамчи цехлар ва механизация паркига эга бақувват қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатарди. Эндиликда бундай жамоалар қўл билан санарли.

Воҳадаги 35 та пудратчи ташкилотлар фаолияти ўрганилганда, кўпчилигида молиявий қонунбузарликлар мавжудлиги маълум бўлди. Уларда қилинмаган ишлар ҳисобидан материаллар нархи ўртасидаги фарқ сифатида ортиқча ҳақ олиш содир этилган. 72 миллион сўмлик бюджет маблағлари ортиқча сарфланган. Қўл учида қилинган юмушларнинг сифати мутлақо талабга жавоб бермайди.

Қурилиш индустрияси корхоналари қувватларидан фойдаланиш 50 фоизга ҳам етмайди. Бир вақтлар вилоятда темир бетон жамланмалари, ғишт, эшик, дераза ромлари ва бошқа сифатли материаллар тайёрлайдиган корхоналар бор эди. Шу боис ҳозирги пайтда хомашё бошқа вилоятлардан келтирилаётганлиги қурилиш таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

«Вилжамхўжқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли темир бетон ва ёғоч буюмлар ишлаб чиқарадиган комбинат, Яккабоғ ва Косон ғишт заводлари ночор аҳволга тушиб қолган. Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги ғишт заводлари атиги 30 фоиз қувват билан ишлаяпти. Қарши шаҳридаги 1-ва 2-темир бетон буюмлари корхонаси қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Керамзит заводида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолган. Қурилиш материаллари бозорини шакллантиришга эътибор йўқ.

Тармоқ корхоналарининг катта миқдордаги акциялари жойлаштирилмаган. «Қаршиуйжойсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 23,5 миллион, «Қашқадарёсувқурилиш» жамоасининг 62,2 миллион, «Қарширмонтаж» ҳиссадорлик корхонасининг 19,2 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлари ҳаракатсиз турибди.

Қурилишда ишлаётган ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари вақтида берилмайди. Ижтимоий ҳимоя, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофазалаш тадбирларига эътибор суст.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Туронзамин дарғалари*

# СЕН СОЯГА БОҚ, ШУЪЛАДАН ИЗЛАЙДИ ВИСОЛ...

Хоразм заминидан кўплаб олиму адиблар етишиб чиққани маълум. Бу буюк зотлар силсиласида Хожа Абулвафо Хоразмийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тасаввуфга оид қатор рисолалари ва рубоийлари билан машҳур бўлган бу улуғ ватандошимизнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар деярли ўрганилмаган.

Хожа Абулвафо Хоразмий XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган (вафоти 1457 йил). Илмий-адабий манбаларда унинг «Лавойиҳи асрор» («Равшанлик сирлари») ва «Наср ул-жавоҳир» («Наср дурдоналари») номли илмий-тасаввуфий руҳдаги рисолалар ёзганлиги тўғрисида маълумот берилади. Лекин у кўпроқ рубоийлари орқали машҳур бўлган. Таниқли адабиётшунос олим Нажиб Мойил Ҳиравийда нашр этилган «Дар шабистони ирфон» («Ирфон хилватхонасида») асарида буюк ватандошимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш билан бирга , унинг 146 та форсий рубоийсини илова тариқасида келтиради.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Хожа Абулвафо Хоразмийни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунончи, «Мажолис ун-нафоис»да ўқиймиз:

«Хожа Абулвафо Хоразмий (қуддиса сирруҳу) кибори авлиёдиндур. Хоразм халқи ғоят малакий сифатлиғидин Хожани «ер фариштаси» дерлар эрди ва улуми зоҳирий ва ботинийни такмил қилиб эрди. Ва тасаввуфда яхши мусаннофоти бор ва машҳурдурким, улуми ғариба ҳам билур эрди, аммо андин зоҳир бўлмас эрди, балки ғояти таважжуҳ ва истиғроқдин парво ҳам қилмас эди. Адвор ва мусиқийда маҳорати бор эрдиким, рисоласидин маълум бўлур. Хожа авсофини ҳар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда ҳам сиқғайму ё йўқ.

Хожа Хоразмда оламдин ўтти ва муборак марқади ҳам Хоразмдадур».

«Насойим ул-муҳаббат»да ёзади:

«Хожа Абулвафо хизматлариға тавҳид арбоби ва мавожид ва азвоқ асҳоби сўфия машорибидин шурби тамом бор эрмиш. Андоқки, аларнинг расоил ва ашъоридин, батахсис рубоиётидин бу маъни зоҳирдур ва бу даъво исботиға неча рубоий келтирилур». Зеро, ҳозирча фақат Алишер Навоий асарларидаги маълумотларгагина таяниб, Абулвафо Хоразмий ҳақида фикр юритиш мумкин – бошқа маълумотлар топилганича йўқ. Навоий Хожанинг тасаввуфий руҳдаги рисолалари ҳам борлигига эътибор қаратган бўлса-да, асосан рубоийлари хусусида тўхталган. Бинобарин, улуғ шоирга Хожанинг бадиий ижоди кўпроқ маъқул келган.

Абулвафо ХОРАЗМИЙ

*Ишқ аввалида кечиш керакдир жондан,*
*Кўнгилдаги барча орзую армондан.*
*Ҳар икки жаҳоннинг мақсуди бўлгайсан,*
*Пок бўлсанг-у, кўнгил узмасанг жонондан.*

*Ул кимса тирикликка экан то банди,*
*Севги майи завқининг эмас пайванди.*
*Рақс айла қутулган эсанг ўз нуқсингдан,*
*Қарсак чал агар қолмаса ўзлик банди.*

*Бермам бу ғаму ғуссани дармонга сира,*
*Бу фақрни-да мулки Сулаймонга сира.*
*Бу фақру фанони олмадим арзон, бас,*
*Қимматни алишмагайман арзонга сира.*

*Тун ярмида ёр хаёли бўлди меҳмон,*
*Дедим: «Дилу жон сенга фидодир, жонон!»*
*Деди: «Дилу жон, ахир, сенинг мулкингмас,*
*Ҳиммат қилиш ўзгалар молидан осон».*

*Биз минг ишқу ишрат конини сочгаймиз,*
*Ранжу бало, фақру дардга дил очгаймиз.*
*Куйганмиз-ей андоқки, куйиш лаззатидан*
*Жаннат тўридан дўзах сари қочгаймиз.*

*Комил кишилар суҳбатини иста мудом,*
*Муқбил кишилар бирла ўтир тингла калом.*
*Қоп-қора ўтин нур ўлди ёр суҳбатидан,*
*Инсонга яқин. бўлди-ю, жонланди таом.*

Бу рубоийларни ўқиган киши руҳан покланади, маънан юксалади, қалби эзгу туйғуларга тўлиб-тошиб, хайрли амаллар қилгиси келиб кетади. Чунки улар Хақ ва ҳақиқатдан, инсоний поклик ва камолотдан, боқийлик ва фонийликдан, илоҳий ва инсоний моҳиятдан баҳс этади. Ўқувчини ўзи, ҳаёти, фаолияти, дунё ва жамият олдидаги масъуллигига ва бурчи ҳақида жиддий ўйлайди: мен нега туғилдим? Нима учун яшаяпман? Нимага эришмоқчиман? – рубоийларни ўқиган ўқувчи ўзига шундай бир саволларни бериши шубҳасиз. Савол берилдими, демак унга жавоб ҳам изланади. Изланиш эса ранжу машаққат чекишни тақозо қилади. Ҳар қандай ранжу машаққат кишини тоблаши, юксалтириши маълум. Бинобарин шоир рубоийлари айни шу мақсад-муддаога йўналтирилган ҳамда у асрлар давомида ўз вазифасини бажариб келяпти ва бундан кейин ҳам бажаравера ради.

*Ул Ўзи ниҳондиру*
*жаҳондир ошкор,*
*Ирфон аҳли шоҳидлиги*
*балки бекор.*
*Ошкору ниҳон – барчаси*
*Ўзи балки,*
*Ҳақ аҳлига Ҳақдан ўзгаси*
*не даркор?!*

Тасаввуф шеъриятида Оллоҳ ва инсон муносабатларини акс эттирувчи қатор тимсоллар мавжуд: шамъ ва парвона, уммон ва қатра, қуёш ва зарра... Қуйидаги рубоийда шоир соя ва шуъла тимсоллари воситасида инсонни комилликка даъват этади: соя шуълага интилиб, унинг таъсирида маҳв бўлиб, яъни шуълага айланиб кетганидек, ўзини поклаган, камолотга интилган ҳар қандай инсон ҳам нурдай шаффоф бўлиб, бир куни Яратувчига сингиб кетади:

*Сен сояга боқ: шуъладан*
*излайди висол,*
*То соялигича қолса у –*
*васл маҳол.*
*Гар соя вужуд зулматидан*
*топса халос,*
*Нур бўлғуси – қолмай*
*нуқси,топғуси камол.*

Шоир рубоийларини тасаввуфий истилоҳ-тимсоллар эмас, балки ривоят-ҳикоятлар ёрдамида ҳам тушунтириш мумкин. Чунончи:

*Ҳар кимса асири*
*номдир ҳануз,*
*Ишқ йўлида, билки,*
*нотамомдир ҳануз.*
*Бир дил бу фақирда*
*борки, ишқ оташида*
*Йиллар оша ўртанса-да,*
*хомдир ҳануз.*

Бу рубоийнинг моҳиятига етиш учун Иброҳим Адҳам ҳақидаги машҳур ҳикоятни билиш керак. Маълумки, у илоҳий ишқ йўлида тожу тахти, оиласидан воз кечиб, Балхдан Нишопурга келади, бир тоғ этагини макон тутиб, ўтинчилик билан кун кечиради. Бир куни ўтин орқалаб, шаҳарга келаётган вақтида унинг сайру сулукда қандай мақомга эришганини имтиҳон қилиш мақсадида шайхлардан бири бир мушт уради. Шунда у миқ этмай:

– Сиз истаган нарса Балхда қолиб кетган, – деб жавоб беради. Шунда улар: «Балх эсидан чиқмабдими – у ҳали нотамом экан. Демак, ҳали яна бир неча йил машаққат чекиши керак». – деган хулосага келадилар.

Бир неча йилдан сўнг айни синовни такрорлаб, яна бир мушт туширганларида у миқ этмади. «Энди у камолга етибди», – деган қарорга келишади, имтиҳон қилувчилар.

Рубоий ҳақ йўлида ҳамма нарсани унутиш кераклиги хусусидаги ҳақиқатдан баҳс этади.

Абулвафо Хоразмий рубоийларини ўрганиш шайх-шоирнинг дунёқараши, бадиий маҳорати ҳақида тасаввур ҳосил қилишгагина ёрдам бериб қолмай, умуман сўфиёна шеъриятни тушунишимизга кўмаклашиши шубҳасиз.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**




*Ибрат*

Излаган имкон топади деганларидек , туман маорифчилари бугунги бозор иқтисодиёти шароитида изланиб, мактаб ва болалар боғчалари учун танқис бўлиб бораётган жиҳозларни ўзлари тайёрлашга киришганлиги қувончли ҳол, албатта. Яна бир эътиборли томони шундаки, марказда фаолият кўрсатаётган Миллий халқ ҳунармандчилиги тўгараги қатнашчилари амалий машғулотларни бевосита ана шу цехда ўтказишмоқда. 14 нафар тўгарак иштирокчилари усталар ёрдамида дурадгорлик ва ҳунармандчилик сир-синоатларини ўрганмоқда.

# МУАССАСАДА ДУРАДГОРЛИК ЦЕХИ

Мирзачўл туман халқ таълими бўлими тасаррудидаги ёш техниклар ижодиёти маркази қошида дурадгорлик цехи ташкил этилди. Унга 3 нафар дурадгор уста жалб этилган. Шу йилдан бошлаб цехда мебел жиҳозларини таъмирлаш, стол-стуллар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган икки ойда 50 та стол-стуллар жамланмаси, 12 та боғча ошхона жиҳозлари тайёрланиб, тумандаги мактаб ва болалар боғчаларига етказиб берилди.

– Таълим муассасалари учун зарур бўладиган қаттиқ жиҳозларни завод-фабрикалардан сотиб олсак, бугунги кун нархида 100 минг сўмга тушади, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Қосим Отабоев. – Цехимизда тайёрласак, стол-стул жамланмаси атиги 20 минг сўмни ташкил этаяпти. Хомашёдан танқислик сезилмаяпти. Туман ҳокими қарори билан қурилишбоп теракларни кесиб келиб ишлатаяпмиз.

**Б. НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратда: туман халқ таълими бўлими мудири Қосим Отабоев ёш техниклар ижодиёт маркази раҳбари Ақчабой Хўжакелдиев, цех ишчиси Шавкат Турғуновлар билан тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида "Бу ажиб Миср-2" кўргазмаси очилди.***

## БЎЁҚЛАРДА МИСР ЖИЛВАСИ

Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталари узоқ йилларга бориб тақалади. Эҳромлар юрти тарихи ва бугунига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб боряпти. Яқинда юртимизга Қоҳиранинг Ҳелуан университети санъатшунослари ташриф буюриб, "Бу ажиб Миср" кўргазмасини ташкил қилгандилар. "Бу ажиб Миср-2" кўргазма олдингисининг мантиқий давоми бўлиб, қоҳиралик ижодкорлар Аҳмад Муҳаммад Маҳмуд Сулаймон ҳамда Муҳаммад Али Маҳмуд Насранинг асарлари намойиш қилиняпти.

- Кўргазма ўзида мисрликларнинг асосий фикри - ҳаётни севиш ва ҳаёт бардавомлигини таъминлайдиган боқийлик сифати мавжуд нарсаларни касб қилишни акс эттиради, - деди санъатшунос Саида Илхомова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Булардан бири Узурийс бўлиб, унинг рамзи асрлар ўтиши билан жуда кўп тасвирларда ўз аксини топган. Д.Аҳмад Сулаймон ўз асарлари билан ҳосилдорлик, табиий ҳаётий куч маъноларини замонавий тафаккур орқали такрорлайди.

- Эътиборингизга ҳавола этилаётган ишларим Қадимги Миср меросидан баъзиларини қайта тиклашга бир уринишдир, -деди М. Насра. - Унда қадимги мисрликларнинг қайта тирилиш ҳақидаги эътиқодига тегишли фалсафий жиҳатлар жой олган.

**"Туркистон-пресс"**

## ҒОЛИБ — КАСАБА УЮШМА ЖАМОАСИ

Қорақалпоғистонда Умумхалқ байрами - Наврўзга бағишлаб ўтказилган футбол турнирида республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда футбол Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада тўртта жамоа баҳс олиб борди. Дастлаб майдонга халқ таълими вазирлигига қарашли футбол мактаб-интернати ва касаба уюшмалари жамоалари тушдилар. Тенг курашлар остида ўтган ўйиннинг асосий қисми 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Пенальтилар баҳсида эса омад касаба уюшмалари жамоасига кулиб боқди: 4:3. Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Ўрта махсус таълим бош бошқармаси жамоалари ўртасидаги беллашувда эса олийгоҳ вакилларининг қўли баланд келди.

Финалда касаба уюшмалари ҳамда университет жамоалари турнир ғолиблиги учун беллашдилар. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда дурангга эришган касаба уюшма футболчилари пенальтилар бўйича ғалаба қозондилар. Бу касаба уюшмалари жамоасининг жорий йилдаги иккинчи йирик ғалабасидир. Бугунгача жамоа мини футбол бўйича республика кубоги мусобақасида ҳам зафар қучган эди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга, шунингдек, фахрий футболчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Д.АБИБУЛЛАЕВ.**

Маълумки, шу йилнинг апрел ойида Хоразм вилоятида ўқувчи ёшлар ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтади. Мухлислар волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, стол тенниси, шоҳмот, футбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, гимнастика, сузиш турлари бўйича беллашувлар гувоҳи бўладилар.

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ»ГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Айни пайтда вилоятда бу йирик спорт анжуманига тайёргарликнинг сўнгги босқичи якунланмоқда. Урганч ва Хива шаҳарларида янги спорт иншоотлари, ўйингоҳлар, меҳмонхоналар қурилиб, борлари таъмирдан чиқарилди.

– Вилоятимиз мактабларидан энг яхши спортчилар ўтган йил сентябрдан бошлаб, ҳозиргача давом этиб келаётган туман босқичларида саралаб олинди, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим услубчиси Лазо Валиев. - Эндиликда саралаш босқичи вилоят миқёсидаги баҳсларда давом эттирилмоқда. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида вилоятимиз шаънини 150 нафар ёш спортчиларимиз ҳимоя қилиши кутилмоқда.

Дарвоқе, ўтган йилги мусобақаларда хоразмликлар қониқарли натижаларга эриша олмаган эдилар. Вилоят ҳокимлиги бундан тегишли хулоса чиқариб, тайёргарлик ишларига катта эътибор қаратди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан тузилган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси пухта тайёргарлик кўришга катта имконият яратмоқда.

Мусобақанинг республика босқичига Урганч туманидаги «Ижодкор» фирмаси махсус эмблема тайёрламоқда.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Тошкент давлат Шарқшунослик институтида Республика "Маънавият-маърифат" маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Маънавий-маърифий тарғиботнинг долзарб вазифалари" мавзуида тадбир ўтказилди.

- Бугунги кунда инсониятнинг ҳаёт тарзи тобора глобаллашиб бормоқда ва бу жараённинг асосий сабаби илм-фан, техника тараққиётидир, - деди Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари

## ТАРҒИБОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Қуддус Аъзамов. - Шундан келиб чиқиб, кўпчилик XXI асрни "ахборот асри" деб номламоқда. Ахборот алмашувининг жадаллашиб бораётганлиги ҳар бир миллат турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-маърифий тарғибот масалалари бугунги кунда долзарб масалага айланди. Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад, маънавий-маърифий тарғиботни янада ривожлантириш, миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг долзарб вазифаларига бағишланди.

Йиғилишда ёшлар орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши ва унинг самараси ўлароқ ёшларда она Ватанга бўлган самимий муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, миллий истиқлол ғоясига содиқлик каби ижобий фазилатларни шакллантиришга ва янада такомиллаштиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ўтказилаётган маънафий-маърифий тадбирлар ёшларнинг дунёқараши, уларнинг ёш хусусиятларини, қизиқиш олами, ўқув юрти, касбий йўналишини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозимлиги, ўтказилаётган тадбирлар қуруқ маърузабозлик ва мадҳиябозликдан, зерикарлиликдан, бир томонлама ташвиқотдан холи бўлиши, уларда тингловчиларнинг фаол фикр алмашувига эришиш зарурлиги хусусида тавсиялар берилди.

**"Туркистон-пресс"**

*Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир олдидан*

# ОЛИМ ПОЛВОН ОРЗУСИ

Не бахтким, бугун миллатимиз фахри-ифтихори бўлган кураш бўйича кўплаб халқаро мусобақалар катта муваффақият билан ўтказилмоқда. Тўю тантаналаримиз кураш билан файзга тўлмоқда.

Сурхонлик Олим полвон Худойқулов юртимизнинг кўзга кўринган курашчиларидан. Эндигина 23 баҳорни қаршилаётган полвоннинг чапдаст ҳаракатларини кўрган киши албатта унинг олишувига интизор юради. Зотан, у рақибини мардчасига, ҳалолига уради. Полвонни билганлар машҳур Эшдавлат ва Холиқ полвон Шоймқуловлар яна майдонга қайтибди-да, дейишади. Элимиз шаънини баланд тутган бу шуҳратли курашчилар Олим полвонга тоға бўлади. Дарвоқе, Сурхондарёда йигитнинг аввало тоғаси бўлсин, деган гаплар бекорга айтилмайди. Шу боис полвоннинг онаси Жумагул хола туни билан мижжа қоқмай, ўғлининг бешигини тебратган вақтларида «тоғангдай бўлгин, болам-а» дея ният қилган бўлса, ажабмас. Кўрингки, бугун Жумагул холанинг ниятлари ижобат: ўғли довюрак, мард, алпкелбат полвон бўлиб, худди тоғалари каби юрт орини талашиб турибди.

...Олим 6 ёшида Термиздан Қумқўрғонга, тоғасиникига ота-онаси билан меҳмонга боради. Жиянини кўрган довруқли Холиқ полвон «Насиб этса, албатта катта полвон бўлади» дея ўз-ўзича пичирлаб қўяди. Шу аснода Янгиер қишлоғидаги тўйда ўтказилажак олишув эсига тушади. Жиянини ота-онасига айтмасдан ана шу беллашувга олиб кетади. Янгиер қирларида ўтган мусобақаларда ҳали майдон кўрмаган Олим тоғаси қистови билан кураш тушади. Ўзи тенги болаларни бир бошидан йиқитади. Ҳар бир рақибини ҳалолига урганда баковул термизлик болакайга 3 сўм, баъзан 5 сўм, ҳатто тўн ҳам беради. Эҳтимолки, рағбатлантириш унинг илҳомини оширгандир. Нима бўлганда ҳам Олимда бу қадимий миллий спорт турига ҳавас ўшанда уйғонган эди.



Эртаси куни Термизга қайтган Олим тўй, кураш ҳақида ўртоқларига мароқ билан сўзлаб берди. Шу билан бирга ундаги қизиқиш тобора ортиб борди: ҳар куни кураш тушадиган одат чиқарди. Сўнг ота-онаси уни вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасаррудидаги спорт мактабига олиб бордилар. Бу ерда у миллий, эркин ва самбо курашлари билан шуғуллана бошлади. Аста-секин катта-кичик мусобақаларда қатнашиб маҳоратини оширди. Шунингдек, Термиз Давлат университетининг Жисмоний тарбия ва маданияти факультетида таълим олиш асносида яхшигина тажриба тўплади. Машаққатли тайёргарлик ва изланишлар орқасидан муваффақиятлар бўй кўрсатди. 2000 йили «Универсиада» баҳсларида, 2001 йили Осиё чемпионатида биринчи ҳамда шу йили Молдовада ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, 2002 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган «Қозоғистон ёшлари» кубоги ва 2003 йилги самбо бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувларида ҳам шоҳсупага кўтарилди.

– Олим 81-100 килограмм вазнларда майдонга тушиб, кучли курашчи эканлигини исбот этаяпти. Унинг ўзига хос услуби бор. Майдонга тушганда мухлисларини рақибига нисбатан ҳеч кутилмаган усул қўллаб қувонтиради. Олимнинг яна бир ютуғи шундаки, у ўз тана аъзоларини назорат қилиб, бошқара олади. Шунинг учун ҳам камсуқум ва камтарин шогирдимдан умидим катта, – дейди устози, спорт устаси Рўзи Ўтаев.

Олим полвоннинг мақсадлари кўп. Улардан бири Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир ғолиблигини қўлга киритишдир.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаларининг шаҳар қўмиталари шаҳар Кенгашининг бўлим мудири Ғайрат Зунуновга падари бузруквори

**АБДУҚОДИР** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21188 Буюртма Г— 201. 1 2 3 4 5 6